



Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулбод қо'рғ'они.
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулбад, Самарқандского района, Самарқандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

У.ғ. «31» декабрь

№ 1862-К

**“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулбоғ” маҳалласида фуқаро
Рофеев Мизроб Мерожовичга енгил конструкцияли мева сабзавот
сотиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакубутак” маҳалласида яшовчи фуқаро Рофеев Мизроб Мерожович туман ҳокими номига “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулбоғ” маҳалласи ҳудудидан енгил конструкцияли мева сабзавот сотиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакубутак” маҳалласида яшовчи фуқаро Рофеев Мизроб Мерожовичга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулбоғ” маҳалласи ҳудудидан енгил конструкцияли мева сабзавот сотиш шахобчаси қуриш учун майдони 36 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рофеев Мизроб Мерожовичга енгил конструкцияли мева сабзавот сотиш шахобчасини лойиха асосида туман архитектура ва қурилиш бўлими билан келишилган ҳолда қуриш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров